

Жума куни духон сурасини албатта ўқинг!



11:20 / 28.06.2019 2220

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума кечаси «Ҳа мим» – «Духон»ни қироат қилса, мағфират қилинади», – дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Ким жума кечаси «Ҳа мим» – «Духон» сурасини ўқиса, етмиш минг фаришта тонггача унинг ҳаққига истиффор айтиб чиқади», – дейилган.

Термизий ва Асбаҳоний ривоят қилишган.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким жума кечаси ёки жума куни «Ҳо мим» – «Духон»ни қироат қилса, Аллоҳ унга жаннатда бир уй бино қилади», – дедилар».

Табароний ривоят қилган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан